

АДОЛАТ

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

adolat_sdp@doda.uz • www.adolat.uz • № 35 (840) • 2011 йил, 19 август, жума

Ижтимоий ҳимоя

давлатимиз ва жамоатчилик олдидаги долзарб масала

Илгор мамлакатларда бўлгани каби ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни оила ҳомийлигига олиш тизимини Ўзбекистон шароитига тадбиқан ишлаб чиқиш ва жорий этиш ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларнинг уюшган ҳолда дам олиши ва мулоқотда бўлишини таъминлаш, жамоат марказларини ташкил этиш, у ерларда хайрия кечалари, концертлар ва бошқа маданий-оммавий тадбирларни уюштириш сингари ишларнинг самарали олиб борилаётгани ҳам ҳар бир инсонни қувонтириши, табиий.



3-бет

Фарзандингизга китоб совға қилинг

у сизга эзгу амаллар бахш этади



... эртак ва дoston китобларни кўп ўқиган болаларнинг нутқи раvon, фикрлаши кенг, ҳаёда тасавури чексиз бўлар экан. Бундай бола кейинчалик фарзандига бирор-бир воқеани гапириб бераётганида ёшлигида ўқиган ва шуурига синган китобларидан мисоллар келтириб, нутқини янада таъсирли қилиб юборади.

4-бет



Кўнгилдаги орзулар рўёби

Озод ватаним — обод ватаним

Турсун МАХМАДАЛИЕВ, журналист.

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар самараси, асрга татигулик ўзгаришларни кўриб шундай бетакрор, бегубор она заминдан нафас олиб яшаётганидан мағрурланиб кетасан киши.

Чунки, Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарига таъкидланганидек, олий мақсадларга эришимиз учун юртимизда илмий-техникавий, инсоний ва маънавий салоҳият мавжуд. Энг муҳими, бу ди-

ёрда ана шу фаровон ҳаётни ўз кучи, ўз ақл-заковати билан барпо этишга қодир бўлган меҳнатсевар ва истезодли халқ яшайди. Ўзбекистонда илмий-техникавий, инсоний ва маънавий салоҳиятга ўзларининг юксак баҳоларини бераётган хорижликлар

этирофи ҳам бу фикрлар нақадар тўғри эканлигини исботлайди.

Илгирма йиллик бўй-бастимизга эътибор қилайлик. Навқиронлик бизга шундай ярашиб турибдики, мисоли узукка қўйилган феруза кўздек. Шундай узукни яратган заргарга беихтиёр таъсирланган айтаман киши. Айниқса, МДХ давлатларидан фаркли ўларок, Юртбошимизнинг шаҳар ва қишлоқларга алоҳида эътибор билан қараётгани, қишлоққа саноат корхоналарини олиб кириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш, касаначилик асосида кўшимча иш ўринлари яратишга қаратилган эътибор

ўз меваларини бермоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан 2009 йилда имзоланган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиш қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарор ҳам қишлоқларимиз замонавий кифасининг тубдан ўзгаришига, қишлоқликлар оғирини енгиллаштиришга қаратилган муҳим амалий қадамлардан бири бўлди. Муҳими, деҳқон қад ростлаб олди. Зеро, сиз билан бизнинг дастурхонимиз тўқинлиги айнан қишлоқ одамларининг самарали меҳнатига боғлиқлигини таъкидлашга ҳоҳат бўлмас керак.

Яқинда пойтахтдан жануб вилояти — Сурхондарёга поездда қайтаётганимда орда

қолаётган манзилларга кўз ташлаб, юртимиз улкан бунёдкорлик, қурилишлар майдонига айланиб улгурганига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим. Ҳамроҳим, термизлик отахон Раҳмон Алибоев ҳам миллий менталитетимизга мос равишда қурилатган намунавий лойиҳадаги уйлар ва бўлаётган ўзгаришлардан хайратини яширолмади.

— Мамлакатимизда сира ақл бовар қилмайдиган ўзгаришлар бўлапти. Олдинлари Қашқадарё билан Сурхондарё тоғларини темир йўл кесиб ўтди, деса ҳеч ким ишонмасди.

Давоми 4-бетда >>

Мустақиллик тенгдоши

Одинахон МАМАДАЛИЕВА.

Мақтабда ўқиб юрган чоғларимдаёқ оппоқ ҳалат кийиб юрган тиббиёт ходимларини кўриб, уларга ҳавас қилардим. Бу орзу-ҳавас мени Пахтаобод тиббиёт касбхона коллежига етаклади. Илк дарсга кирганимдаги ҳаяжонимни асло унутмасам керак.

Истиклол берган имконият, Юртбошимизнинг ёшларга кўрсатаётган чексиз ғамхўрликлари, ҳеч бир давлатнинг таъмин масканларидан қолишмайдиغان шарт-шароитлар биз ёшларни янада руҳлантиради.

Коллежда ўқиб юрган кезларимда Ўзбекистон «Адолат» СДП Пахтаобод тумани кенгаши фаоллари томонидан ташкил этиладиган тадбирларда тез-тез иштирок этардим. Партиянинг мақсад ва вазифалари менинг қарашларимга ҳаммоҳанг эканлиги боис, партиёга аъзо бўлдим. Бу эса менга қанот бағишлади...

Мен МУСТАҚИЛЛИК тенгдошиман. Бундан мағрурланаман. Ана шундай озод ва обод, тинч ва осойишта Ватаним борлигидан, хур Ўзбекистон фарзанди эканлигимдан бениҳоя бахтиёрман. Коллежни битириб, ҳозирда туман тиббиёт бирлашмаси «Тез тиббий ёрдам» бўлими ҳамширалигига ишга жойлашдим. Бу ерда билимларимни янада мустаҳкамлаб, олий ўқув юртига ўқишга кирмоқчиман. Келажакда етук шифокор бўлиб, эл хизматиини қилсам дейман. Олий мақсадим — она Ватанимга муносиб фарзанд бўлиш.

Қарс — икки қўлдан...

ҳоким депутатлар билан манфаатли муносабатлар ўрнатишга тайёр! Депутатлар-чи?

Концепция: устувор вазибалар

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ, «Адолат» мухбири.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Бу бошқарув бўғинида назоратчилик, тақсимотчилик сингари ваколатларни қисқартиришга, иқтисодийнинг бозор талаблари асосида эркин ривожланишига замин яратмоқда. Ўз навбатида вакиллик ҳокимияти ваколатлари кенгайтирилиб, унинг назоратчилик роли кучайтирилгани қонунлар ижросини таъминлашда ижобий аҳамият касб этмоқда.

Хўш, бу жараённинг изчиллиги ва давомийлигини таъминлашда сиёсий партиялар ва уларнинг маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари қай даражада фаоллик кўрсатишяпти? Депутатлик назорати бошқарувнинг барча бўғинларида амал қилаётими?

«Адолат» СДПнинг Ургут тумани кенгашида партиянинг Самарқанд вилоят, шаҳар ва туманлар кенгашлари раислари, депутатлар ҳамда электрорат вакиллари иштирокида ўтказилган семинар айна шу

соҳадаги мавжуд аҳволни аниқлашга, орттирилган тажриба ва мавжуд муаммоларни ўрганишга йўналтирилганлиги билан эътиборга лойиқдир.

Давоми 2-бетда >>



Улкан салоҳият ва истиқбол

Давра суҳбати

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Мирзо Улуғбек тумани кенгаши ташаббуси билан Тошкент локбуёқ заводидан ташкил этилган давра суҳбати «Ўзбекистоннинг бугунги салоҳияти ва истиқболлари» мавзусида номланди.

— Тадбирдан кўзланган асосий мақсад, — деди «Адолат» СДП Мирзо Улуғбек тумани кенгаши раиси Фулом Раҳмонов, — истиқлолнинг 20 йиллигини муносиб кутиб олаётган Ўзбекистонда ўтган йиллар мобайнида Президентимиз раҳбарлигида амалга оши-

рилган тизимли ва изчил ислохотлар самарасини кенг тарғиб қилиш, сиёсий партиялар ҳаёти, депутатларнинг қонунчилик фаолияти билан яқинлигини муносиб кутиб олаётган Ўзбекистонда ўтган йиллар мобайнида Президентимиз раҳбарлигида амалга оши-

лиси Қонунчилик палатаси депутати, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ.Жўраев «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги барқарор тараққиёт кафолати» мавзусида маъруза қилди. Нотиқ Ўзбекистоннинг истиқлол йилларида қўлга киритган энг катта ютуғи, таъбир жоиз бўлса, бойлиги тинчлик-осойишталик эканлини таъкидлади. Унинг фикрича, юртимизда қарор топган тинчлик энг буюк неъмат бўлиб, у мамлакатимизнинг янада жадал ривожланишига, барқарор тараққиётга эришишида ҳал қилувчи омил бўлаётди.

Давоми 2-бетда >>

Масъулиятни ҳис қилиб ишлаш

фаолият мазмунига айлансин

БПТ — партия таянчи

Шоҳида ДАМАНОВА, «Адолат» мухбири.

Истиқлол йилларида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш йўлида изчил ислохотлар амалга оширилмоқдаки, бу ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида қўлга киритилаётган натижаларда ўз аксини топиб турибди. Мазкур ислохотлар самараси ўларок сиёсий партияларнинг давлат ва жамият, қолаверса, аҳоли орасидаги мавқеи янада мустаҳкамланди.

Маълумки, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда сиёсий партиялар муҳим аҳамият касб этади. Сиёсий партияларнинг таянчи ҳисобланган бошланғич партия ташкилотлари эса унинг мақсад ва гоёларини, мафкура-сини кенг омма орасида тарғиб қилишда муҳим омил саналади. Бугунги кунда Хоразм вилоятида партиянинг 10 та туман ва битта шаҳар кенгашлари мавжуд бўлиб, уларга 159 та бошланғич партия ташкилотлари бирлашган.

— Ҳар бир партиядошимиз доимо илгорлар қаторида бўлиб, юрт равнақида муносиб ҳисса қўшишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар, — дейди «Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгаши матбуот хизмати раҳбари Замира Абдуллаева. — Буни бошланғич партия ташкилотлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Гурлан

туманидаги «Вазир қишлоғи» фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган БПТ фаоллари маҳалладаги Хотин-қизларни иш билан таъминлашга жиддий бел боғлашган. Улар маҳалладаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ёрдамга муҳтож, кам даромадли оилаларга ёрдам бериш мақсадида кўплаб тадбирларни амалга оширишмоқда.

Ойша Қурбонбоева моҳир тикувчи, — дея давом этди суҳбатдошимиз. Ҳозир у 32 нафар хотин-қизларга ўз касбининг сирасорларини ўргатмоқда. БПТнинг яна бир жонкуяри Овдон Ниязурдиева тумандаги 7-сон мактаб ёнидаги катта ариққа кўприк қуриш ишларига ҳомийларни жалб қилиб, қурилиш ишларини бошлаб юборган.

Давоми 2-бетда >>

Партия ҳаёти



Улкан салоҳият ва истиқбол

« Давоми. Боши 1-бетда

Шу боис, мустақилликни мустақамлаш, тинчликни асраш, хавфсизликни таъминлаш давлатимизнинг келажаки ва истиқболда янада муҳим аҳамият касб этади.

«Ўзбекистон дунё ҳамжамияти нигоҳида: ҳурмат ва эҳтиром». Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Т.Матиевнинг мазкур мавзудаги маърузаси тadbир иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

— Ўзбекистоннинг ташқи дунёдаги образ-этибори, нуфузи ортиб бораётгани мустақилликнинг, истиқлол йилларида амалга оширилган изчил ислохотларнинг, бугунги кунда бутун дунёда эътироф этилаётган тараққиётнинг «ўзбек модели»нинг ўзига хос самараси депутатлар томонидан аниқ мисолларда кўрсатиб берилди, — деди тadbир иштирокчиси Абдуваҳоб Таштаев. — Мамлакатимизнинг жаҳоннинг энг ривожлан-

ган давлатлари иқтисодиётига хос жабҳалар — автомобиль, транспорт-коммуникация инфратузилмаси, нефть, энергетика каби соҳалардаги салоҳияти тобора ортиб бораётгани бarchа қатори мени ҳам гурурлантирди. Айниқса, ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган бойлигимиз — баркамол фарзандлар, ҳар томонлама етуқ кадрлар салоҳияти ошиб бораётгани қувонарли ҳол, албатта.

«Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!»

Саховат
Шоҳруз ЗУФАРОВ.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик тантаналари юртимизнинг barcha ҳудудларида катта хурсандчиликлар билан қарши олинмоқда. Айниқса, бундай эзгу саъй-ҳаракатлардан ўзгаларнинг ёрдамига муҳтож, қалби ўксик, жисмоний имкониятлари чекланган инсонларнинг четда қолмаётгани эътиборга моликдир.

Улғайиб бораётган юртимиз буйлаб ташкил этилаётган бундай хайрия тadbирларида давлат ва нодавлат ташкилотлари билан бир қаторда сиёсий партиялар вакилларнинг ҳам фаол иштироки эътиборга сазовордир. Бу борада, айниқса, мақсади жамиятда иқтисодий адолат ҳукронлигига эришиш бўлган Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ҳудудий бўлинмалари ҳаммаша фаол бўлиши интилоқдорлар.

Оҳангарон шаҳридаги «Саховат» уйда Тошкент вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тadbир ана шундай хайри амаллардан бири бўлди. «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида ўтказилган ушбу тadbир аввалда йилгиларга Истиқлол йилларида мамлакатимизда эришилган улкан муваф-

фақиятлар, юртдошларимиз қалбида ҳўш ураётган яратувчанлик ва бунёдкорлик иштиёқи, шунингдек, мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя йўналишида олиб борилаётган ишлар ҳақида атрафлиха маълумот берилди.

— Бугун эришаётган barcha муваффақиятларимиз ва халқимизнинг фаровон турмуши замирида, албатта, юртимизда ҳўкм сураётган тинчлик, осойишталик мўжассам, — деди халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати З.Эралиева. — Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган инсонпарвар сиёсат Ватанимиз равнақи учун хизмат қилмоқда. Юртимизнинг қайси гўшасига борманг янгилашиш, бунёдкорлик ва халқимизнинг кўнглини кайфиятига гувоҳ бўласиз. Шундай қувончли кунларда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга кўрсатилаётган

хайр-саховат тadbирлари уларнинг кўнглини тоғдек кўтариши билан бир қаторда халқимизга хос эзгу фазилатлари яна бир бор намёнён этмоқда.

Тadbир доирасида иштирокчилар ҳўкий ташкилотлар томонидан ташкил этилган байрам дастурхонига тақдир этилди. Туман марказий маданият уйи ҳамда пойтахтдан ташриф буюрган санъаткорларнинг Ватан, муҳаббат ва инсонийликни мадҳ этувчи қўшиқлари ҳамда жозибдор рақслари йилгиланларга байрамона кайфият бахш этди.

Бугунги дорилон кунлар учун минг бора шўкрона айтсак арзийди, — деди 2-гурўх ногирони, 65 ёшли отахон М.Муродов. — Чўнки бу кунларга эришиш осон кечмаган. Фарзандларим, набираларим шундай озода ва оҳед Ватанда камол толаётгани, ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитларда таълим олиб, хур дўёриймиз равнақи учун хизмат қилаётганидан бахтиёрим. Давлатимиз томонидан ижтимоий ҳимояга қаратилаётган эътибор эса бу юрtda инсон қадри нақадар улўғ эканлигидан далолатдир.

Тadbир сўнггида «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жағгармаси Тошкент вилоят бўлими томонидан хайрия совғалари, Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгаши, «Махалла», «Соғлом авлод учун» жағгармаларининг байрам совғалари тортиқ этилди.

Партия ишини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш

дастурий мақсадларимизга асосдир

Пленум
Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши матбуот хизмати.

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг навбатдан ташқари V пленуми ва Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг «Демократик ривожлантиришнинг янги босқичида Ўзбекистон «Адолат» СДПни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш» мавзуда ўқув-семинари бўлиб ўтди. Пленум ва ўқув-семинарга партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорғи кенгаши депутатлари, туман ва шаҳар кенгаши раислари, партия фаоллари ва ОАВ ходимлари иштирок этди.

Пленум кун тартибига кўра дастлаб партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ва Иқрия қўмитаси таркибига ўзгартиришлар киритиш масаласи кўрилди. Унда Ерназар Қуназаров Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси этиб сайланди.

Пленум иши ҳудудий ўқув-семинари билан давом этди.

Тadbирда таъкидланганидек, бугунги кунда Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши таркибига 319 та БПТлар мавжуд. Улар таркибига 4,5 мингга яқин аъзолар бirlашган. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорғи Кенгашида 5 нафар, Нукус шаҳар Кенгашида 4 нафар ҳамда туман кенгашида 12 нафар Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлари фаол

иш олиб бормоқдалар. Бугунги кунда партиянинг дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда партиянинг barcha тузилмалари ва депутатлик гуруҳларининг депутатлик ҳақда жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги иштирокини фаоллаштириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўқув-семинарида жорий йилнинг 15 июлидаги «Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёевнинг «Демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш борасида Ҳўкўмат томонидан амалга оширилаётган чора-тadbирлар дастури, шунингдек, «Кичик бизнес ва хўсусий тadbиркорлик йили» Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисида»ги ҳисоботи ҳақида»ги Олий Мажлис палаталарининг

қўшма қароридан келиб чиқиб, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ислохотларини янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнидаги иштирокини кўчатириш тўғрисида»ги масала юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А.Раҳмонов семинар иштирокчиларига маълумот берди.

— Қўшма қарорда тилга олинган ижтимоий муҳим масалаларни ҳал этишда Ўзбекистон «Адолат» СДП четдан кузатувчи позициясида турмаслиги лозим, — деди маърузачи. — Бу ишларда унинг иштироки, жойлардаги ижтимоий ҳокимият ва давлат бошқаруви органлари тегишли вазифаларни ҳал этишлари устида таъсирчан парламент, депутатлик назоратини таъминлашда партия тузилмалари иштирокини кенгайтиришда намёнён бўлмоғи лозим. Қолаверса, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»ни амалга ошириш бўйича 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурини фаол амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, партиянинг айрим маҳаллий ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари бу борада етарли даражада қатъий иш олиб бормаётганликларини очиқ тани олишимиз керак. Улар томонидан ўтказилаётган кўплаб тadbирлар мавжуд аҳолини қайд этиш билан чекланмоқда, жойларда иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни бажариш самардорлигини ошириш бўйича ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган тавсиялар киритилмаётди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон «Адолат» СДП парламент кўйи палатасидаги фракцияси, маҳаллий ва бошланғич ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашилариди партия депутатлик гуруҳлари фаолияти самарасини оширишга эришиш, демократик ислохотларнинг янги босқичи устувор йўналишларини амалга оширишда улар ташаббускорлигини изчил ривожлантириш лозим.

Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари А.Ақромов, О.Ахунваларнинг «Фаол демократик янгилашиллар жараёнида мамлакат ижтимоий-сиёсий тизимида амалга оширилган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти», «Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнида сиёсий партияларнинг роли ва масъулиятини кўчатириш» ҳақидаги маърузалари тингланди.

Уларда асосий эътибор маҳаллий Кенгашилардаги Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлик гуруҳлари жойларда қонун ва бошқа ҳўкўмат қарорлари бажарилиши устидан депутатлик назоратида иштирок эта бориб, ушбу ишдаги камчиликларга нисбатан янада принципиалроқ позиция эгаллашлари, партия доимий электорати манфаатларидан келиб чиқиб, тегишли иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни янада самаралироқ ҳал этишга қаратилган тақлифларни мунтазам равишда тайёрлашлари ва киритишлари лозимлигига қаратилди.

Пленум иши ва ўқув-семинарида муҳокама қилинган масалалар, билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Масъулиятни ҳис қилиб ишлаш

фаолият мазмунига айлانسин

« Давоми. Боши 1-бетда

— Турмуш ўртоғим эрта вафот этиб, беш нафар фарзандим билан ёлғиз қолганим, — дейди Феруза Шомуродова. — Оила юки аёл кишига жуда оғир. Ана шунданги паллада «Адолат» партиясига ҳамда маҳалла ва фаоллари фарзандимнинг хатна тўйини ўтказишда яқиндан ёрдам беришди. Яна шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, БПТ аъзоларини маҳаллада истиқомат қилаётган тексаю улўғларга ҳам қўриш мўмкин.

Урган шаҳар 1-сон болалар поликлиникасида ташкил этилган БПТ раиси Муқаддас Аллаёрова, Янгибозор туман Марказий шифохонасидаги БПТ раиси Замира Матниёзовалар партия аъзолари билан биргаликда жойларда «Соғлом оила — соғлом бола», «Репродуктив саломатлик», «Эрта турмуш қурманг», «Соғлом оила — жамиятимиз таянчи» мавзуларида давра суҳбатлари, тadbирлар ташкил этиб келишмоқда.

Суҳбатдошимиз Замира опа бизга яна бир мақтовга арзигу-

лик БПТ борлиги, улар доим партия билан ёнма-ён эканликларини фахр билан айтиб, бизни Урган туман Ижодиёт маркази директор ўринбосари, БПТ раиси Мансур Ражабов билан таништирдилар.

— Ижодиёт марказимиз туман вилоят мажлисидаги ташкил этилаётган тadbирларнинг асосий иштирокчиси, деб бемалол айта оламиз, — дейди Мансур Ражабов. — БПТ фаоллари ташаббус билан туманда истиқлолнинг шонли санаси арафасида «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!», «Мустақиллик энг олий қадрият», «Кўзим қароғидасан, Ватан» мавзуларида тadbирлар, мусиқий кечалар, давра суҳбатлари ташкил этмоқда-

дан кўпроқ хабардор бўлишим ва депутатлар билан янада яқинроқ муносабат ўрнатишимга ёрдамлаган бўларди. Парламентда Бош вазир ҳисоботи эшитилгани ва шу асосда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатини қўшма қарори қабул қилинганлиги демократик ислохотлар жараёнида ижтимоий воқеа бўлди. Шундан келиб чиққан ҳолда қўйида ижро ҳокимияти фаолиятини ҳам тақомиллаштиришимиз шарт. Сиёсий партиялар ва депутатлар билан соғлом, амалий муносабатларимиз кенгайса, туманинг муаммолари енгиллашди. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш талабидан оқда қолаётгани рости. Ургутда марказлашган сановат ҳудудлари барпо этиши ва тadbиркорлик фаолиятини айна шу ерга кўчатириш устида ҳам жиддий ишлашимиз лозим. Маҳаллий кенгаш доирасида депутатлар билан биргаликда ҳал этиладиган муаммолар оз эмас. Шунинг учун ижро ҳокимияти депутатлардан чуқур билимдонлик билан ҳўқўқий, иқтисодий асосланган тақлифларни кутади.

Демак, қарс — икки қўлдан. Ҳоким депутатлар билан манфаатли муносабатлар ўрнатишга тайёр! Депутатлар-чи? Бу савол-этишса бажонидил қатнашардим, — деди ҳоким. — Бу тумандаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар-

Қарс — икки қўлдан...

ҳоким депутатлар билан манфаатли муносабатлар ўрнатишга тайёр! Депутатлар-чи?

« Давоми. Боши 1-бетда

Семинар иштирокчилари Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»ни ҳаётга татбиқ этишда «Адолат» СДПнинг маҳаллий кенгашилардаги депутатлик гуруҳлари иштирокини кенгайтириш, бу борадаги фаолиятни янгица ёндашувлар билан тўлдирish хўсусида қизгин баҳс-мунозаралар юритдилар. Ваколатлардан фойдаланишдаги сусткашликлар ҳақида танқидий фикрларни ўртага ташладилар.

Даставвал шунини таъкидлаш лозимки, кўчма семинарни ўтказиш учун айнан Ургут тумани партия кенгаши танлаб олингани беҳиз эмас. Чўнки биринчидан, Ургут Самарқанд вилоятининг аҳолиси энг кўп, ўз ўрнида ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантиришдаги муаммолари етарли туманлардан ҳисобланади. Иккинчидан, мазкур ҳудудда сиёсий муҳит, партиялараро рақобат анча шакланганлиги, ижро ҳокимияти ва бошқарув идоралари билан ўзаро муносабатларда очиқ, ошқораликка ва назорат тамойилларига амал қилинаётгани муҳокамаларни манфаатли асосда олиб боришга имкон берди.

Партиянинг Ургут тумани кенгаши раиси Р.Эсонов бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва тadbиркорлик субъектлари фаолиятини кўллаб-қувватлаш, уларнинг эркин ҳаракатлишилари ва ривожланишлари учун ҳар қандай сўний тўсиқларни бартараф этиш борасидаги депутатларнинг роли хўсусида фикр юритди.

Таъкидландики, бугун туманда давлат рўйхатидан ўтказилган 922 та кичик ва ўрта бизнес субъекти, 22 та қўшма қорхона иш юритмоқда. Улар фаолиятини солиқ ва назорат органларининг асосис арашлуви кескин қисқарган. Тadbиркорларнинг банк-молия идоралари билан муносабатлари, хўсусан, уларнинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратишда имтиёзли кредитлардан фойдаланишлари алоҳида назоратга олинган. Бу борада мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ҳўллари депутатлар томонидан ўз вақтида ўрганилиб, тегишли банк раҳбарлари номига сўровномалар киритилиб, ижро интзоримига риоя этилиши таъминланмоқда.

Анжуманда сўз олган Ургут тумани кенгаши депутати Мадина Баротова ўтган вақт мобайнида ижро ҳокимияти ва бошқарув идоралари раҳбарлари номига 9 та депутатлик сўрови киритилгани ва қайд этилган камчиликлар назоратга олинб, тўлиқ бартараф этилганлигини таъкидлади. Маърузачининг фикрича, туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳининг ютуғи — ижро ҳокимияти фаолиятини ҳисобдорликни таъминлашга қаратилаётганлигида бўлмоқда. Шу мақсадда туман Кенгашининг ўтган сессиялари давомида ижро ҳокимияти раҳбарларидан бир йўла 3 нафар — ҳоким, унинг биринчи ўринбосари, Бандлик ва аҳолини ижтимоий-иқтисодий таъминлаш маркази директори ҳисоботлари эшитилди.

Лекин ҳоким ва унинг ўринбосарларининг ҳисоботларини эшитиш шунчаки расмийлик учун ёки жамоатчиликнинг тинчлантириш учун эмасми? У амалда қандай наф берапти?

Партиянинг Самарқанд шаҳар кенгаши раиси Т.Ҳошимов, Булунгур тумани кенгаши раиси Н.Боймуродовлар ургутлик партиядошларига, депутатларга ана шу саволлар билан мурожаат қилдилар. Бунинг учун эса етарли асослар, факт ва мулоҳазалар баён этилди. Чўнки депутатлар муҳокамалар жараёнида ҳокимнинг шахсий фаолиятини эмас, ижро ҳокимиятининг ислохотларга ва қабул қилинаётган қарорларнинг бажарилишига дахлдор фаолиятини баҳолашлари, зарур йўналишга солишлари дардор. Ижро ҳокимияти фаолиятлари эса афсуски, камчилик ва нуқсонлар етарли.

Биринчидан, Ургут тумани ижтимоий инфратузилмани, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда вилоятда паст кўрсаткич билан йўқолиниб қолмоқда. Фақат шу йилнинг ўзига туманда ишлаб чиқаришга оид иккита йирик истиқболли лойиҳа амалга оширилмай қолган. Худуд орқали ўтган автомобиль йўллари таъмирлаш ҳам талабга жавоб берайди.

Туманда тadbиркорлик субъектларининг давлат харидлари тизимидаги иштирокини таъминлаш, фермерликда суғориладиган экин майдонлари самардорлигини ошириш масалаларида ҳам ечимини топмаган муаммолар бор. Демак, депутатлар ижро ҳокимияти фаолиятини муҳокама қилиш чоғида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифалари асосис кечиктирилаётганлигига танқидий баҳо беришлари ва шу жараёнда энг тўғри қарор қабул қилинишига эришишлари талаб этилмоқда.

— Афсуски, депутатлар локайд бўлса қонунлар ва қабул қилинган қарорлар ижросини ким назорат қилади, кимдан умид қилиш мўмкин? — деди анжуманда иштирок этган партиянинг Самарқанд тумани кенгаши раиси З.Қуддусова. — Шундай муносабатга barcha туманларда ҳам дуч келишимиз мўмкин-ку! Демак,

ижро ҳокимиятини назорат қиладиган депутатлик корпуси энг аввало, партия кенгашилар билан ҳисобдор бўлиши ва қатъий вазифалар билан таъминланиши шарт.

Семинарда «Адолат» СДПнинг Самарқанд шаҳар кенгаши раиси Т.Ҳошимов «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»даги демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш йўналишига алоҳида тўхтади. Ва, сиёсий ташкилотнинг Ҳаракат дастуридан ўрин олган вазифалар, хўсусан, инновацион технологияларни жорий этиш масаласи Самарқанд вилоятида муваффақиятли ҳал этилаётганлигига эътиборни қаратди. Хўсусан, юзлаб гектар майдонда томчилик суғориш технологиясига мослашган интентив боғ яратилганлиги, муқобил энергия асосида ишлайдиган ўнлаб иссиқхоналар барпо этилгани ҳам тажрибани Ургут туманида ҳам кенг қўллашни таъминлаётганини таъкидлади. Демак, ургутлик депутатлар ижро ҳокимияти эътибори немаларга қаратиш лозимлиги хўсусида яна бир йўналиш олдилар.

Семинар иштирокчилари Ургут туманидаги ишлаб чиқариш

қорхоналарига ҳам ташриф буюришгани, бу ердаги меҳнат ва ижтимоий шарт-шароитлар билан ҳисобдор бўлиши ва қатъий вазифалар билан таъминланиши шарт.

Семинарда «Адолат» СДПнинг Самарқанд шаҳар кенгаши раиси Т.Ҳошимов «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»даги демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш йўналишига алоҳида тўхтади. Ва, сиёсий ташкилотнинг Ҳаракат дастуридан ўрин олган вазифалар, хўсусан, инновацион технологияларни жорий этиш масаласи Самарқанд вилоятида муваффақиятли ҳал этилаётганлигига эътиборни қаратди. Хўсусан, юзлаб гектар майдонда томчилик суғориш технологиясига мослашган интентив боғ яратилганлиги, муқобил энергия асосида ишлайдиган ўнлаб иссиқхоналар барпо этилгани ҳам тажрибани Ургут туманида ҳам кенг қўллашни таъминлаётганини таъкидлади. Демак, ургутлик депутатлар ижро ҳокимияти эътибори немаларга қаратиш лозимлиги хўсусида яна бир йўналиш олдилар.


Семинар иштирокчилари Ургут туманидаги ишлаб чиқариш

қорхоналарига ҳам ташриф буюришгани, бу ердаги меҳнат ва ижтимоий шарт-шароитлар билан ҳисобдор бўлиши ва қатъий вазифалар билан таъминланиши шарт.

Семинарда «Адолат» СДПнинг Самарқанд шаҳар кенгаши раиси Т.Ҳошимов «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»даги демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш йўналишига алоҳида тўхтади. Ва, сиёсий ташкилотнинг Ҳаракат дастуридан ўрин олган вазифалар, хўсусан, инновацион технологияларни жорий этиш масаласи Самарқанд вилоятида муваффақиятли ҳал этилаётганлигига эътиборни қаратди. Хўсусан, юзлаб гектар майдонда томчилик суғориш технологиясига мослашган интентив боғ яратилганлиги, муқобил энергия асосида ишлайдиган ўнлаб иссиқхоналар барпо этилгани ҳам тажрибани Ургут туманида ҳам кенг қўллашни таъминлаётганини таъкидлади. Демак, ургутлик депутатлар ижро ҳокимияти эътибори немаларга қаратиш лозимлиги хўсусида яна бир йўналиш олдилар.

Семинар иштирокчилари Ургут туманидаги ишлаб чиқариш

Сўнгги саҳифа



Фарзандингизга китоб совға қилинг

у сизга эзгу амаллар бахш этади

Мушоҳада учун мавзу
МАҲМЕДОВ.

Болаликда "Алпомиш", "Гўрўгли", "Ёзи ва Зебо", "Равшан ва Зулхумор" каби дostonларни кўп ва хўб ўқиганмиз. Шундай бўлардики, янги китоб қўлимизга тушса, уни бошқалардан аввалроқ ўқиш қизиқ, ўқиганларимизни бир-биримизга хўб ўқатиб айтиб беришга ҳаракат қилар эдик. У пайтлари дostonларни қироат билан, овоз чиқариб ўқиш одат эди. Ўқиб бўлгач, қизгин муҳокама бошланарди. Ва яна — байрам кунлари кимдир бизга китоб совға қилса, ўзимизда йўқ хурсанд бўлардик.

Кейинчалик англаб етганим — эртақ ва дoston китобларини кўп ўқиган болаларнинг нутқи раван, фикрлаши кенг, ҳаёл тасаввури чексиз бўлар экан. Бундай бола кейинчалик фарзандига бирор-бир воқеани гапириб бераётганида ёшлигида ўқиган ва шуурга синган китобларидан мисоллар келтириб, нутқини янада таъсири қилиб юборади. Масалан, "Кеча темирчи бувадан битта ўрок сотиб олдим, ўзимча Абу Муслимнинг қиличидан келди" ёки "Хой бола, бу дейман, Алпомишнинг синглиси Қорасоғча туя боқтирган Ултон-соғга ўхшаб босар-тусарингни билмай қолибсан-ку..." ва ҳокказо.

Ёшлар наشريётида ишлаб юрган кезларим шарқ халқлари эртақларини ўзбек тилига ўғирдим. Ўғирдим қизиқ бир нарсага гувоҳ бўлдим — халқнинг миллий ўзига хошлиги, илм тили билан айтганда, маънавий-ахлоқий кифаси унинг эртақларида ҳам акс этар экан. Чунки, грузин эртағидаги дев билан ўзбек эртағидаги девнинг характерида бир-бирига мос келмайдиган жиҳатлар бор: ўзбек дев "Саломинг бўлмаганда етти ямлаб бир ютардим", дейди, қуюқ саломлашсанг бас, сени омон қўяди, бунинг устига хол-аҳвол ҳам сўрайди. Грузин девнинг жажлини чиқарсанг борми, тасом бўлдим деевер. Немис эртағидаги дев бўлса, қўшнилари уйига тақлиф этишдан олдин улар кечги овқатни ейишганми-йўқми, шунга қизиқади.

Халқ эртақларининг жозибаси, таъсир қудрати ҳам шунда бўлса керак. Хўш, бугун болаларимиз эртақ китобларни, дostonларни қай даражада ўқимоқдалар? Бу саволнинг жавоби жуда мушкул. Шу боис, уни бироз енгиллатиб, "Бугун болалар

китоб ўқияптиларми?" дейишимизга тўри келади. Аммо бунда ҳам жавобдан қониқмаймиз. Бошлангич синфларда ўқиётган кезларимиз муаллимларимиз бизни эртақ тўқишга ундашар эди. Масалан, бирорта ҳикоят ёки ривоятни ярмигача айтиб, қолганини ўзинглар уйда тўқиб келинглар, дея вазифа беришарди. Шундай вазифалардан бири ёдимда қолган:

"Қадим ўтган замонда, Қорақалпоқ деган томонда бир подшо яшаб ўтган экан. Подшонинг учта ўғли бўлган экан. Бир кун подшо ўғилларини ёнига чақириб, уларга шундай дебди: "Болаларим, мен ёшимни яшаб, ошимни ошаб бўлай деб қолдим. Мендан кейин тахт сизларга қолади. Бугун эса хар бирингизга ўнтадан тилла танга берман. Шаҳарга бориб ўйнаб-қулинглар, хоҳлаган нарсангизни сотиб олинглар, кайфичоғлик қилинглар. Бир ойдан кейин уйга қайтинглар. Қайтиб келганингиздан кейин кўрган-кечирганларингизни менга сўзлаб берайсизлар. Кимнинг ҳикояси қизиқарли чиқса, тахт ворислигини ўшанга топшираман."

Алқисса, уч ака-ука хурсанд бўлишиб, йўл тадоригини кўришиб, отларига миниб уч тарафга равона бўлишибди. Катта ўғил шаҳарга келиб, роса бир ой маишат қилибди, бор пулини еб-ичиб биттирибди. Ўртанча ўғил отаси берган пулларга кўркам либослар сотиб олибди. Бошига қундузи телпак, оёғига юқори мартабали зотлар киядиган баланд пошнали этик тиктирибди. Кенжа ўғил бўлса...

Кенжа ўғил отаси берган пулларни қандай сарфлаганини биз ичимиздан тўқиб, эртақини давом эттириб келишимиз керак эди. Тўқиганмиз ҳам. Масалан мен, кенжа ўғил шогирдикка тушиб, бир ой

ичида хунар ўрганибди, деб ёзганман. Кимдир эртақни "Кенжа ўғил бир дурадорга шогирд тушиб, шаҳарда бирикки ой қолиб кетибди, акалари ундан хабар олишмабди, аксинча, тахтга битта меросхўр қамайдди, дея хурсанд бўлишибди", деган мазмунда давом эттирган.

Бола эртақлар дунёсида яшаса, ўзини эртақ қахрамонларига ўхшатса, яхшилик нимаю ёмонлик нима, эзгулик нимаю гараз нима — бу тушунчаларнинг фарқига бора бошласа, бу, албатта, хўб гап. Аммо фарқига бормади катта бўлса-чи? Ерга тушган ўшқиннинг минг машаққат билан елкасида кўтариб бораётган чумолини эзгилаб ўтса, қушларнинг патини юлса, инини бузса, кучуқчага озор берса-чи?

Ишончим комилки, эртақ, ривоят ўқиган, баъзан эса ўзи ҳам билганича эртақ тўқиган бола асло бундай қилмайди. Эртақ, халқ дostonлари, ривоят ва ҳикоятлар мурғак қалбларни одобга, меҳр-мурувватга, одил ва холисликка ундайди.

Яқинда бир ривоят ўқиб қолдим. Бир донишманд саҳрода сувсизликдан азоб чекиб бораётган экан. Қарши томондан келаётган карвон соҳиблари унга раҳм қилиб, бир пиёла сув узатишибди. Донишманд сувни ичмай, ниманидир кута бошлабди. Бунинг сабабини сўрашганида, у "Пиёла четидан бир чивин чанқоғини қондирмоқда, унга ҳалақит бергим келмайпти", деган экан.

Китоб жавонимдан "Алпомиш" дostonини олиб, варақлай бошладим. Қани энди, набирам ҳам шу китобни ўқиса, дейман. Аммо китоблар олами остонасига энди-энди қадам қўяётган набиралар уни тушунишармикан? Шунини ўйлаб қоламан. Нега десангиз, дoston тилида болалар тугул, анча-мунча катталар ҳам тушуниши қийин бўлган сўз ва иборалар талайгина. Бизга бугун Навоийни тушунишда унинг асарлари асосида яратилган изоҳли луғат қанчалар зарур бўлса, болаларимиз учун ҳам эртақлар, дostonлар тилини, тилсимини очувчи калит-изоҳлар шунчалар керак. Масалан, "Алпомиш" дostonи бўйича изоҳли луғат яратиши нега мумкин эмас? Халқ дostonлари бўйича илмий-тадкиқот ишларини олиб бораётган муҳтарам олимларимиз, фидойи муаллифлар бу савол ечимини топсалар ёмон бўлмасди.



Давом. Боши 1-бетда

Дехқонobodда йирик калий заводининг иш бошлаши, Бойсунга саноат кириб келиши, Сарийосиёда ярим металл фабрикаси, шу туманининг Янгиҳаёт қишлоғида 300 иш ўрнига мўлжалланган оёқ кийимлар фабрикасининг қурилаётгани мустақилликнинг инъом этган неъматларидандир. Илойим мустақиллигимизга кўз тегмасин, — дейди отахон.

Дарҳақиқат, юқорида тилга олинган корхоналарнинг тўлиқ ишга тушиши Қашқадарё ва Сурхондарёнинг олис тоғ қишлоқларида истиқомат қилувчи олти мингдан зиёд аҳоли ризқининг бут бўлишига хизмат қилади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Президентимизнинг "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиш қўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида 2010 йилда Сурхондарё вилоятининг 16 та мавзесида 660 та яқна тартибдаги уйлар қад ростлади. Бу мақсадлар учун 39,6 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Кўнгилдаги орзулар рўёби

— Яқинда Термиз туманининг "Лимонзор" маҳалласида қурилаётган уйлар билан таърифимизни қилишимиз мумкин. 2009 йили асрлардан буён фойдаланилмаган келган майдонда 45 та замонавий уйлар қад ростлади. Уларнинг барчасига оилалар

кўчиб кириб бўлган. Бугун уларнинг сони 70 тага етибди. Ҳаммасининг томи ёппасига бир хил рангда, деворларга эса дидга мос ранглар топиб ишланган. Кўчалари обод, чор-атрофга дарахлар экилган. Маҳалла гузарини айт-

майсизми. Хайратдан ёқа ушлайсиз. Ўзингизни шаҳарга келиб қолгандек ҳис этасиз. Мана сизга бугунги қишлоқ одамларининг ҳаёти, турмуш тарзи...

2011 йилда Сурхондарё вилоятида 675 та намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши режалаштирилган бўлиб, 14 та туманининг 36 та аҳоли пунктида ер майдонлари ажратилиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

2012 йилда яқна тартибда уй-жой қурилиши икки баробарга ортади. Аниқроқ айтганда бўлса, вилоят туманларида 1282 гектар ер ажратилиб, 1169 та уй-жой барпо этилиши мўлжалланмоқда. Бу катта қурилиш майдони бутун мамлакатимиз узра мардлар майдонига айланди. Минглаб қурувчиларимиз ўз маҳоратларини яна бир бор намоён этишяпти. Узоқ йиллардан буён халқимизнинг кўнгилда армон бўлиб келаётган орзулар ушалмоқда...



Талабалик муборак бўлсин!

Шу куннинг нафаси

Лайло ТўРАЕВА.

Шу кунларда юртимизнинг барча олий ўқув юрлари, шаҳар кўчалари, жамоат транспортлари қувончини ичига сиздира олмай, ҳаёбан осмонларда учаётган ёшлар билан гавжум. Катта ҳаётнинг илк имтиҳонини топшириб чиқиб, сабрсизлик билан кутилган дамлارни орда қолдириб, талаба бўлиш бахтига муяссар бўлган бу беғубор қалб эгаларининг кўзларида қувонч қаққиб турибди.

Бундан бир неча кун олдин бобо ва бувисидан, ота-юнасонидан оқ фотиҳа олиб тест имтиҳонларини топшириш учун йўлга чиққан абитуриент энди талаба. Бугун унинг қалбига ўзгача ҳис-туйғулар тугғени... Сирли рақам ортига яширинган исм-шарифини талабалар рўйхатида кўриб, беихтиёр унинг кўзларига қувонч ёши келди. Тугғилиб ўсган қишлоғи ахли, ота-онаси ва устозлари ишончини оқлади. Уйқусиз ўтган тунлар бесамар кетмади. Мустақил юрт фарзанди эканлигига, доруломон замонда яшаётганлигига шукронна айтди у.

Кунини кеча уларнинг бир гуруҳини суҳбатга чорладик...
Шаҳноза ШЕРМУРОДОВА, Қашқадарё вилояти: Менинг қувончларим ҳаммаликдан бўлакча. Уч йил деганда талаба бўлдим. Тасаввур қилаёспизми, уч йилда орзуларим ижобат бўлди. Тошкент Давлат маданият институтига шартнома асосида қабул қилиндим.

Ҳеч иккиланмай айта оламан, бу йилги имтиҳонлар адолат мезонларига таянган ҳолда ўтказилди. Устозларимдан олган билимларим ўз самарасини берди. Биласизми, истиқлолнинг шон-



ли 20 йиллик санаси мен учун ҳақиқий қўшалок байрам бўлди. Яъни, бу йил энг улуғ, энг азиз айём — мустақиллик байрами, талабалик бахти ва 20 ёшимни ўзгача фахр ва ифтихор билан қарши олаётганман. Шу маънода ис-

тиқлол фарзанди эканлигимдан фخرланаман.

Шаҳзод МИРЗАЕВ, Жиззах вилояти: Бугун мамлакатимиз ёшларига ўз истак ва хоҳишларига кўра ўқиш, билим олиш, касб-ҳунар эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Биз ёшлар бу юксак эътибордан бағоятда хурсандимиз. Хусусан, Президентимиз фармони билан миллий армия сафларида хизмат қилиб қайтган аъло ҳуқуқли, ташаббускор, ватанпарвар аскарларга олий ўқув юртига кириш учун тўланадиган умумий баллнинг 25 фоизи миқдоридagi имтиёз жорий қилинган. Мен ҳам ўтган йили аскарликдан қайтганман. Ватанимиз сарҳадларини ҳимоя қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларим аъло баҳолини, ана шу имтиёз менга ҳам насиб этди.

Бу йил Жиззах Давлат техника институтига талабаси бўлдим. Бундан кейин ҳам бор куч-ғайратимни ишга солиш ҳолда тинмай ўқиш-изланишга, Ўзбекистон аталмиш жаннатмакон замининг ҳар бир қарич ерини асраб-авайлаш ва шу юртта, Юртбошимизга содиқ фарзанд бўлишга ваъда берман. Зеро, бу биз ёшлар учун фарзу қарз.

Санжар ҚУРБОНОВ, Сурхондарё вилояти: Мен Сурхондарёнинг чекка туманларидан бири — Деновданман. Болалигимдан пойтахтда ўқишни, ҳуқуқшунос бўлишни орзу қилардим. Пойтахт мен учун орзулар ушаладиган маскан эди, гўё. Шунинг учун орзуимдаги маскан — Ўзбекистон Миллий университетига ҳужжат топширдим.

Имтиҳонга тайёргарлик кўриш жараёнида қадим Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдим. Қадимий масжиду мадрасалар, дунёнинг ҳеч бир мамлакатидан қолишмайдиган осмонўпар бинолар қалбимда гурур ва ифтихор туйғусини уйғотди. Айниқса, Мустақиллик майдони, ундаги парвозга шайланган турган лайлақлар менда ўзгача таассурот қолдирди. Шундай гўзалликдан илҳомланиб, имтиҳон топшириб чиқдим. Бўлгуси талабалар рўйхатидаги рақамлар қўлимдаги рақам билан бир хил эканлигини кўриб, гапининг рости уйинга тўшиб кетдим. Энди қишлоғимга ёрғи юз билан кириб бораман. Бу мен учун ҳаммасидан муҳим, аслида. Чунки, тугғилиб ўсган юрт ишончини оқлаш — ҳар бир инсон учун юксак бурч.

...Талаба, сени ўзинг орзу қилган олий ўқув юртининг аудиторияси кутмоқда. Бу ерда сен устозлар ўйитларидан, меҳридан ва ҳатто кези келганда қойишидан тоблансан... Ишонаманки, сен бу имтиҳондан ҳам аъло даражада ўтасан. Орзулар рўёби йўлидаги интилишинг омадли бўлсин, талаба!

"BOGDODDON MAHSULOTLARI" OTAJ
Она Ватанимиз ободлиги, иқтисодимиз барқарорлиги, турмушимиз фаровонлиги йўлида самарали меҳнат қилаётган барча юртдошларимизни, тадбиркор ва қишлоқ мулкдорларини
ИСТИҚЛОЛНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ билан табриқлайди
Мустақиллик байрами шуқуҳи хонадонларимизни ҳеч қачон тарк этмасин!

Ҳада шартномаси қандай амалга оширилади?

Ақмак УМАРОВ,
Самарқанд шаҳар 9-сон давлат
Нотариал идораси нотариуси.

Ҳаётимизда мол-мулк билан боғлиқ кўплаб саволларга дуч келамиз. Ўзимизга тегишли бўлган шахсий мулк ёки ашёларимизни сотишимиз ёки яқинларимизга, дўстларимизга ҳада қилишимиз мумкин. Бундай масалалар қонунга мувофиқ амалга оширилса, турли низо ва тушунмовчиликларнинг олди олинган бўлади.

Ҳада шартномаси фуқаролик ҳуқуқий шартномаларнинг бир тури бўлиб, бир тараф иккинчи тарафга ашёни текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади. Ашё ёки ҳуқуқ муқобил берилганда ёки муқобил мажбурият мавжуд бўлганда шартнома ҳада деб тан олинмайди. Бирор шахсга ашёни ёки мулк ҳуқуқини текинга бериши ёки бирор шахсни мулкий мажбуриятдан озод этишни ваъда қилиш, агар ваъда тегишли шаклда берилган бўлса ва келажакда шахсга ашё ёки мулк ҳуқуқини текинга бериш ёхуд уни мажбуриятдан озод этиш мақсади аниқ кўриниб турган бўлса, ҳада шартномаси деб тан олинади. Ашёни ҳада олувчига ҳада қилувчининг вафотидан кейин топширишни назарда тутувчи шартнома ҳақиқий ҳисобланади.

Ҳада олувчи ўзига ҳада топширишга қадар истаган вақтда уни рад этиши мумкин. Бу каби вазиятларда ҳада шартномаси бекор қилинган ҳисобланади. Ҳада шартномаси ёзма шаклда тузилган бўлса, уни рад этиш ҳам ёзма шаклда амалга оширилиши шарт. Шунингдек, ҳада шартномаси ёзма шаклда тузилган ҳолларда ҳада рад этилиши оқибатида етказилган зарарни қоплашни ҳада етувчи талаб қилишига ҳақли.

Ҳада қилиш оғзаки тарзда амалга оширилиши ҳам мумкин. Аммо кўчмас мулкни ҳада қилиш шартномаси нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автотранспорт воситаларини ҳада қилиш шартномаси ҳам нотариал тасдиқланган бўлиши шарт.

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета
Муассаси: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши
Тахрир ҳайъати: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИКОВА, Иқбол МИРЗО, Маммажон ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ХАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МУМИНОВ.
Баш муҳаррир: Худойёр МАМАТОВ
Баш муҳаррир биринчи ўринбосари: Абдували СОЙИБНАЗАРОВ (Наир учун масъул)
Бўлимлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — 236-57-14; Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 236-54-39; Телефонлар: қабулхона — 236-53-14, 233-40-86 (факс); котибиёт — 233-41-89.
Навбатчи муҳаррир — Фарҳад ЭСОНОВ.
Навбатчи — Илёс САХАТОВ.
«Adolat»дан кўчириб босиш фақат тахририят рухсати билан амалга оширилади.
1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.
НАИР КўРСАТКИЧИ: 100
ISSN 2013-5217
Тахририят манзили: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
adolat_gazeta@mail.ru
«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г—800. Ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 4127. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 22.30
1 2 3 5